



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 27 » апрель

№ 260

Toshkent sh.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 июлдаги ПФ-5761-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

а) Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идораларро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 апрелдаги 308-сон қарорига мувофиқ, республикада “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини жорий этиш бошланган бўлиб, ушбу тизимнинг асосий мақсади аҳолига давлат томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва ёрдам бериш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштириш ҳамда ушбу соҳада аҳолига давлат хизматлари кўрсатишни янада соддалаштириш белгиланганлиги;

б) Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергетика тармоғида тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 13 апрелдаги 310-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тармоғидаги тариф сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ:

тарифларни белгилашда тақорорий субсидиялаш амалиётини босқичмабосқич бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ манзилли субсидиялар бериш орқали аҳолининг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтоҷ қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

барча гурухлардаги истеъмолчиларда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этгандан кейин табақалаштирилган тарифни жорий этиш ҳамда ушбу йўналишларни амалга оширишнинг асосий принципларидан бири сифатида ахолининг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда электр энергиясининг базавий нормасини қўллаш ҳамда электр энергияси учун тарифлар ошганда компенсациялар бериш йўли билан таъминланиши белгиланганлиги;

в) электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси (кейинги ўринларда – ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси) доирасида:

ўрнатиладиган барча электр ҳисоблагич ва қўшимча асбоб-ускуналарга хорижий ва маҳаллий эксперtlар иштирокида ягона техник талаблар ишлаб чиқилганлиги;

ЭҲНАТнинг дастурий таъминоти ва Республика маълумотларни қайта ишлаш маркази Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан “KT Corporation” (Жанубий Корея) компанияси томонидан яратилганлиги ва мавжуд биллинг дастури билан боғланганлиги, республикада ўрнатилаётган барча электр ҳисоблагичлар ушбу дастурлар томонидан бошқарилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарорига мувофиқ энг мақбул таклифлар асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – “Toshelectroapparat” МЧЖ ва “Elektron Xisoblagich” МЧЖдан 2,1 млн дона электр ҳисоблагичлар ва қўшимча асбоб-ускуналар харид қилиниб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасига мувофиқ босқичма-босқич ўрнатилаётганлиги;

д) Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Бухоро, Жizzах ва Самарқанд вилоятларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси доирасида 1,3 млн дона электрон ҳисоблагичлар ўрнатилганлиги;

е) лойиҳанинг техник-иктисодий асослари “Ўзинжиниринг” РЛИ томонидан ишлаб чиқилганлиги, шу билан бирга бугунги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда қайта кўриб чиқилиши лозимлиги;

ж) “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан етказиб берилаётган электр ҳисоблагич ва қўшимча асбоб-ускуналар учун тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилмай қолганлиги натижасида “Toshelectroapparat” МЧЖ олдида 323,3 млрд.сўм ва “Elektron Xisoblagich” МЧЖ олдида 313,6 млрд.сўм миқдорида кредитор қарздорлик юзага келганлиги;

з) Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида Ўзбекистон Республикасига бюджетни кўллаб-қувватлаш учун, мос равишда 200 млн АҚШ доллари ҳамда 150 млн Евро миқдорида кредит (Policy Based Loan) ажратилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасининг асосий мақсад ва вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

республика бўйича барча электр энергияси истеъмолчилари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергиясини тўлиқ ҳисобга олишнинг ҳамда электр энергиясининг технологик сарф меъёрларини белгилашнинг шаффоғ тизимини ўрнатиш;

тўловни белгиланган муддатларда тўлиқ амалга оширган истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришни тўхтатиш ҳамда электр тармоқларига ноқонуний уланган истеъмолчиларни аниқлаш;

истеъмолчилар гуруҳлари кесимида йиллик, ойлик ва кунлик истеъмол қилиш “хулқ-автори”ни (consumer behaviour) таҳлил қилиб бориш ва ушбу таҳлиллар натижасида республика энергия тизимининг ишлаш режимини энг самарадор тарзда шакллантириш;

электр энергиясининг табақалаштирилган тарифларини қўллаш учун зарур бўлган аниқ маълумотлар билан таъминлаш;

электр тармоқларининг ишлаш режимларидағи нуқсонларни, шу жумладан электр энергиясининг технологик сарфининг меъёрдан ортиб кетиши ҳолатларини аниқлаш.

3. ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасининг:

дастлабки молиявий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

молиялаштирилиши учун ажратиладиган маблағлар миқдори 2-иловага мувофиқ;

режалаштирилган чора-тадбирларини амалга ошириш графиги 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг мавжуд биллинг тизими ўрнига ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси доирасида энг замонавий тамойиллар асосида электр энергияси ҳисобини юритиш, таҳлил ва прогноз қилишнинг комплекс дастурий таъминотини яратиш хақидаги таклифи маъқуллансан.

Ушбу комплекс дастурий таъминотини яратиш учун етакчи хорижий ва маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компаниялар ўртасида танлов савдолари асосида шартнома тузилишига руҳсат берилсан.

5. “Худудий электр тармоқлари” АЖга ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳаси мувоффакиятли якунланиши учун Бухоро, Жizzах ва Самарқанд вилоятларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини биринчи босқичи доирасида жалб этилган “CESI S.P.A / AF Mercados Energy Markets International S.A / Sharifa.com” (Италия/Испания/Ўзбекистон) консалтинг компанияларининг консорциуми билан ўрнатилган тартибда қўшимча битим тузиш тавсия этилсан.

6. ЭХНАТни жорий этиш лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан ажратилаётган кредитлар келиб тушишини инобатга олиб:

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўн кун муддатда Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги билан электр энергетика соҳасидаги “ислоҳотлар матрицаси”ни келишиб, ижроси бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 6-банди “а” кичик банди бўйича “йўл харитаси” тасдиқлангач, уч кун муддатда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга ЭХНАТни жорий этиш лойиҳасини молиялаштириш ҳаражатлари Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-куватлаш (Policy Based Loan) учун ажратилиши режалаштирилган кредитлар ҳисобидан қопланишини тасдиқловчи хатни тақдим этсин;

в) “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга ўн кун муддатда хорижий кредит линиялари ҳисобидан бир йил муддатга олти ойлик имтиёзли тўлов (фоиз тўловлари билан) даври билан йиллик етти фоиз устама тўлаш шарти асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖга ЭХНАТни жорий этиш лойиҳасини молиялаштиришга 30 млн Евро микдорида кредит ажратиш тавсия этилсин;

Бунда, кредит таъминоти сифатида Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-куватлаш учун ажратилаётган кредитларнинг ЭХНАТни жорий этиш лойиҳасига йўналтириладиган микдори белгилансин;

г) Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлигининг кредити ажратилгунига қадар “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг кредити бўйича барча тўловлар “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида молиялаштириладиган лойиҳаларга йўналтириладиган ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишига рухсат берилсин;

д) “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан ажратиладиган кредит тенг микдорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – “Toshelectroapparat” МЧЖ ва “Elektron Xisoblagich” МЧЖдан янги харид қилинадиган электрон ҳисоблагичлар ва уларга зарур бўлган қўшимча асбоб-ускуналарни молиялаштиришга ўрнатилган тартибда йўналтирилиши белгилаб қўйилсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-куватлаш (Policy Based Loan) учун ажратиладиган кредитлар ҳисобидан “Худудий электр тармоқлари” АЖга ЭХНАТни жорий этиш лойиҳасини молиялаштиришдаги хақиқий

харажатларни қоплаш учун етарли, лекин 250 млн АҚШ долларидан ошмаган миқдорда, ўн беш йил муддатга уч йиллик имтиёзли даври билан олти ойлик ЛИБОР + 1,25 фоиз (бунда 0,75 фоиз Молия вазирлиги устамаси) тўлаш шарти билан кредит ажратсин.

Бунда, 0,5 фоиз миқдоридаги мажбурият учун воситачилик ҳақи ва кредитнинг жами миқдоридан 0,5 фоизлик бир марталик тўловлар назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги томонидан электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-куватлаш учун ажратилаётган мос равишда, 200 млн АҚШ доллари ҳамда 150 млн Евро миқдорида кредитларни Ўзбекистон Республикаси номидан ёки кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича 2020 йилда янги имзоланадиган дастур ва лойиҳалар рўйхатига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ўн беш кун муддатда:

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг “Toshelectroapparat” МЧЖ ва “Elektron Xisoblagich” МЧЖ олдидаги кредитор қарздорликларини тўлаб беришнинг молиявий манбалари;

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йил учун тасдиқланган инвестицион дастурини мақбуллаштириш ва молиялаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзинжиниринг” РЛИ икки ой муддатда ушбу қарорда келтирилган молиялаштириш шартлари асосида ЭҲНАТнинг техник-иқтисодий асосларини қайта ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Техник-иқтисодий асосларни қайта ишлаб чиқиш учун техник топширик Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланиши таъминлансин.

10. ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасининг мувоффақиятли якунланиши, келгусида тизимнинг барқарор ишлаши ва жалб этилган кредитларнинг вақтида ва тўлиқ қайтарилиши бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖ раҳбарларининг масъулияти белгилаб қўйилсин.

11. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда Бухоро, Жizzах ва Самарқанд вилоятларида ЭҲНАТни жорий этиш лойиҳасини биринчи босқичи доирасида “KT Corporation” (Жанубий Корея) компанияси билан тузилган қарз шартнома шартларига кўра, лойиҳани тўлиқ амалга

оширгандан сўнг, унинг кафолат синови ва муддатларидан кейин қолган қисми учун тўловлар амалга оширилишини инобатга олган ҳолда 2012 йил 8 ноябрдаги 2779-UZB-сон қарз битими муддатини узайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “27” апрелдаги 260-сон қарорига
1-илова

**Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини
жорий этиш лойиҳасининг дастлабки молиявий параметрлари**

минг АҚШ долл.

T/p	Харажатлар тури	Харажатлар миқдори
	Жами	552 000
1.	Ҳисоблагичлар ва бошқа асбоб-ускуналар	465 000
2.	Маълумотларни қайта ишлаш маркази (бино, асбоб-ускуналар, дастурий таъминот ва бошқалар)	34 000
3.	Электр энергияси ҳисобини юритиш, таҳлил ва прогноз қилишнинг комплекс дастурий таъминоти (ягона биллинг тизими)	15 000
4.	Хорижий консультантлар ва ягона интеграторнинг хизмат хақи	13 000
5.	Қолган харажатлар (иш хақи, материаллар, транспорт харажатлари ва бошқалар)	15 000
6.	Кўзда тутилмаган харажатлар	10 000

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “27” апрелдаги 260-сон қарорига
2-илова

**Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимини
жорий этиш лойиҳасининг молиялаштирилиши учун ажратиладиган маблағлар миқдори**

минг АҚШ долл.

T/р	Молиялаштириш манбаси	Умумий миқдори	Сарфланган миқдори	Ажратиладиган миқдори
	Жами	552 000	136 377	415 623
1.	Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари (2779-UZB)	150 000	96 846	53 154
2.	Осиё тараққиёт банки ва Франция тараққиёт агентлиги маблағлари (электр энергетика соҳасидаги ислоҳотлар асосида бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган кредит маблағларининг электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиши лойиҳасига йўналтириладиган миқдори)	250 000	–	250 000
3.	Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	52 800	35 300	17 500
4.	“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг ўз маблағлари	99 200	4 231	94 969

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “27” апрелдаги 260-сон қарорига
3-илова

**Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг
автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасининг
режалаштирилган чора-тадбирларини амалга ошириш
ГРАФИГИ**

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддати
1.	Маълумотларни қайта ишлаш марказини ишга тушириш	2020 йил 30 май
2.	Электр ҳисоблагичлар ва қўшимча асбоб-ускуналарни харид қилиш учун молиялаштиришни очиш	2020 йил 30 май
3.	Янги биллинг тизимини ишлаб чиқарувчисини аниқлаш (танловни якунлаш)	2020 йил 25 ноябрь
4.	Электр ҳисоблагичлар ва қўшимча асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишларини якунлаш	2021 йил 1 июль
5.	Ўрнатилган электр ҳисоблагичларни электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимига улаш ишларини якунлаш	2021 йил 20 сентябрь
6.	Янги биллинг тизимини ишга тушириш	2022 йил 30 май

